Мен сизларни нимадан қайтарган бўлсам, қайтинглар, нимага буюрган бўлсам, тоқатингиз даражасида адо қилинглар

Абу Ҳурайра Абдураҳмон ибн Сохр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Мен сизларни нимадан қайтарган бўлсам, қайтинглар, нимага буюрган бўлсам, тоқатингиз даражасида адо қилинглар. Сизлардан аввалги қавмлар пайғамбарларига кўп саволлар ёғдириб, уларга хилоф қилганлари сабабли ҳалок бўлдилар».

[Саҳиҳ] [Бухорий ва Муслим ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар У зот бирор нарсадан қайтарсалар, ундан мутлақо тийилишимиз вожиблигини, бирор амалга буюрсалар, қодир бўлганимизича уни адо этишимиз лозим эканлигини хабар бермоқдалар. Сўнгра бизнинг умматимиз олдинги умматлардек пайғамбарларига кўп савол бериб, буйруқларидан юз ўгирганлардек бўлишдан огоҳлантирдилар. Улар шу сабабли Аллоҳнинг турли азоб ва ҳалокатларига учрадилар. Улар каби ҳалокатга дучор бўлмаслигимиз учун биз уларга ўхшамаслигимиз зарур.

https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66517

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY
لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC E-Da'wah Committee